
ШИФОКОРЛАР – БУГУНГИ КУН ҚАХРАМОНЛАРИ!

Дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси тиббиёт соҳаси ва шифокорларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти нақадар муҳим эканлигини ҳар қачонгидан ҳам яққол намоён этди.

Бугун улар ўз ҳаётини хатарга қўйиб бўлса-да, ҳар куни, ҳар соатда минглаб, миллионлаб одамлар соғлиғини тиклаш, ҳаётини асраб қолиш учун курашмоқда. Турли мамлакатларда хасталикка оид рақамлар турлича бўлишига қарамай, вирус дунё аҳолиси олдидаги жиддий хавф саналади.

Маълумки, юртимизда ҳам ушбу касалликка қарши кураш учун барча куч ва маблағлар эпидемия кенг тарқалишининг олдини олиш, вирус билан касалланганларни соғайтиришга қаратилган. Ҳозирги вазият ҳар бир кишининг зиммасига катта масъулият юклаган. Айти пайтда энг оғир вазифа шифокорлар зиммасида эканлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айтганда уларнинг фидойилиги, таъбир жоиз бўлса, қаҳрамонлиги туфайли республикамизда санитария-эпидемиологик ҳолат барқарорлашиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тождор вирус билан боғлиқ муаммолар ечимига аниқ йўналтирилган фармон ва қарорлари, шунингдек, видеоселектор йиғилишларида бу хавотирни тезроқ бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Табиийки, энг масъул вазифа шифокорлар зиммасида эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича қатор видеоселектор йиғилишлари, халқимизга йўллаган мурожаатларида ҳам шифокорларнинг меҳнати, фидойилигига алоҳида эътибор қаратди. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга доир қарор қабул қилинди. Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларига қаратилган бундай юксак ишонч, ҳурмат бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда Қува туманида ҳам эпидемиологик вазиятни яхшилаш, каронавирус тарқалишини олдини олиш ҳамда туманимиз аҳолисини каронавирус пандемиясидан асраш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан собиқ “Бегат шифохонаси” да махсус Пульмонология шифохонаси ташкил этилган. Ушбу шифохона 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда бу ерда беморлар “Пневмония” ташхиси билан даволанмоқда.

Ушбу шифохонага Туман тиббиёт бирлашмасининг 30 ўринли ички касалликлар пости штат бирлиги билан ўтказилган ва ҳозирда 3 та постда 2 сменада навбатчилик ташкил этилиб, ҳар бир сменада 3 нафар врач, 6 нафар хамширалар ҳамда 5 нафар кичик тиббиёт ходими жами 45 нафар тиббиёт ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги тиббий муассасаларнинг врач реаниматологлари, инфекционслари, терапевт ва педиатр врачлари мураккаб шароитда огоҳлик ва қаҳрамонлик билан ўз вазифаларини бажариб келишмоқда.

Шифохонада ҳозирда 3 та спал (ИВЖ), 12 та кислород концентратори, 59 Бобров аппаратлари мавжуд.

Шунингдек, шифохонада кундузги ва тунги навбатчиликни ўташ мобайнида тиббиёт ходимларига инфекция юқишини олдини олиш учун 100 та комбензон, 1000 та кўлқоп, 200 та тиббий ниқоб, 30 та ҳимоя кўз ойнаклари ва 50 та респиратор захираси мавжуд бўлиб, навбатчилар ўз вақтида таъминланиб келмоқда.

Шу билан бирга муассасада кислород таъминоти, 52 та балонлар ёрдамида таъминланади. Балонларнинг барчасида манометрлар ўрнатилган.

Бундан ташқари, муассасада ҳозирда 35 турдаги (7 турдаги инфезион суюқдиклар, 5 турдаги антебиотиклар, 3 турдаги вирусга қарши дорилар ва бошқа) дори-дармон, тиббий буюмлар ҳамда дезинфекцияловчи воситалар захираси яратилган.

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқлар орқали ушбу муассасага жалб этилган тиббиёт ходимларига етарли шароит яратилмаганлиги ҳамда қўшимча иш ҳаққи кам миқдорда тўланаётганлиги юзасидан билдирилган мурожаатлар кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. 1 / 2

Албатта ушбу вазиятда тиббиёт ходимларини кўрсатаётган ҳизматларини моддий рағбатлантириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 март кунги ПҚ-4652-сонли қарорига асосан ушбу муассасага жалб этилган врач ходимларга

25 миллион сўм, ўрта тиббиёт ходимларига 15 миллион сўм, кичик тиббиёт ходимларига 10 миллион сўм бошқа ходимларга 5 миллион сўмдан қўшимча иш ҳаққи тўлаб бериш чоралари кўрилмоқда.

Ҳа, ҳозир бутун дунё аҳолиси ушбу касалликка қарши кураш олдида ўзига хос синовни бошдан ўтказмоқда. Ана шундай курашда шифокорларимизнинг фидойилиги, жасорати руҳимизга катта таянч бўлмоқда. Зеро, инсоният бу синовни мустақкам ирода, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик билан енгиб ўтади.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-09-23 20:18:35